

Иқтисодий-хукукий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиңа бошлаган

ХУКУК
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

КОНСТИТУЦИЯ -

ЭРКИН ВА ФАРОВОН
ҲАЁТИМИЗНИНГ ХУКУКИЙ ҚАФОЛАТИ




«Ўзбекистон» халқаро
анжуманлар саройида 7 декабрь
куни Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган
куннинг 19 ийлигига бағишиланган
тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
Унда давлат ва жамоат арбоблари,
фан, маданият ва санъат
номояндлари, пойтаҳт
жамоатчилиги, мамлакатимида
фаолият кўрсатадиган хорижий
давлатларнинг элчихоналари ва
халқаро ташкилотлар
ваколатхоналари вакиллари
иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими
ва зифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов тантанали йиғилиш
да маъруза килди.

Давлатимиз раҳбари юртимида амалга
oshiрилаётган изчил ислоҳотлар Консти-
туциямиздаги тамоиллар ва қоидалар-
нинг амалдаги ифодаси эканини алоҳи-
да таъкидлади. Биз танлаган йўл – бугун
халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган
таракқиётнинг «ўзбек модели»ни босқичма-
босқич амалга ошириш жараённада эри-
шаётган барча ютуқларимиз, ҳаётилиз-
га янгича мазмун бағишилаётган ислоҳотлар
Конституциямиз қоидаларига тўла мос-
дир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг
20 ийлигини кенг нишонладик. Халқи-
миз истиқлол йилларида эришаётган бе-



тимсол ютуқларда Президентимиз Ислом
Каримов раҳбарлигига ишлаб чиқилган
Ўзбекистон Республикаси Конституция-
сида белгиланган тамоиллар мустаҳкам
хукукий асос бўлиб хизмат килмоқда. Зеро,
Асосий Конунимиз ўзининг мазмун-моҳияти
билин инсонпарвар демократик хукукий
давлат барпо этиш, инсон хукуклари усту-
творлигини, тинчлик ва тотувликни таъ-
минлаш каби юксак мақсадларга эришиш-
нинг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаб-
буси билан 2011 йил – «Кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон
қилинган эди. Бу борада маҳсус давлат
дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оши-
рилмоқда.

Мазкур дастур асосида кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликни янада ривож-
лантириш, кулаги бизнес муҳитини яра-
тиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳами-
ятини тубдан ошириш, иқтисодиётда дав-
латнинг аралашувини камайтиришга қарати-
лган комплекс чора-тадбирлар бажа-
рилди. Тадбиркорларнинг хукуклари ва
конуний манфаатларини муҳофаза қилиш-
нинг хукукий асослари такомиллаштирил-
ди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таян-
чи, халқимиз фаровонлигининг муҳим ка-
фолатига айланди. Ички бозорни рако-
батбардош ва сифатли маҳсулотлар би-

лан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш,
аҳоли даромадларини кўпайтиришда маз-
кур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга
ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислом Каримов кириб
келаётган янги – 2012 йилни мамлакати-
мида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон
килишни таклиф этди. Давлатимиз раҳ-
барининг бу таклифи йиғилганлар томо-
нидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-
куватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва
ёш ижроичиларнинг байрам концерти билан
якунланди.

**ЎЗА материали
асосида тайёрланди.**

Ислоҳотлар – амалда

«ЯНГИ ЙИЛ» ГА ТАЙЁРГАРЛИК

Келаётган йилда қандай воқеалар юз беради? Бу борада хилма-хил тахминлар қилиш
мумкин. Бироқ бугуннинг ўзидаёт 2012 йилда юз бериши аниқ бўлган воқеаларни айтиш
мумкин.

Зеро, ҳар бир янги йил бошланиши билан одатда бундан олдинги йилда қабул қилинган бир талай
меъёрий ҳужжатлар амалга киритилади. Улар ичидаги энг муҳимлари қаторида, албатта, давлат раҳ-
барининг бошланган йилда мамлакат бюджетининг макроиктисодий кўрсаткичларини белгилаб бе-
радиган қароридир. Кўпинча 1 январдан бошлаб янги қонун ҳужжатларини амалга татбиқ қилиш бошланади.



Чунончи, 1 январдан
жорий йилнинг октябринида
қабул қилинган «Кредит
ахбороти алмашинуви
тўғрисида»ги Конун
«старт» олади. Одатда
бундай кечикиришлар

янги талабларга бир маромда ўтишни ва қонунчиликдаги
янгиликни қабул қилиш учун шарт-шароитлар шаклланган
хукукий маконда уларни ижро этишини таъ-
минлаш учун бир қатор ташкилий масалаларни
ҳал этиш зарурати билан боғланган. Конун
2-бетда



1-2-бетлар

Терминал...таксида
ҳам бўлади

\$1 = 1783,85 сўм

3-6-бетлар

«Биз яшайдиган уй»:
хазонларни ким йигиштиради?

€1 = 2383,14 сўм

7-бет

Меҳнат шартларидағи ўзгаришлардан
ходим қачон хабардор қилинади?

£1 = 2783,70 сўм

Реклама ва эълонлар

¥10 = 228,82 сўм

«ЯНГИ ЙИЛ» ГА ТАЙЁРГАРЛИК

1-бетда

ёрдамида кредит бюоролари ишининг фаллаштирилиши (7 йил аввал МБ бошқаруви «Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўтасида маълумотлар айрошланиши ҳамда кредит тархи тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарор¹ қабул қилинган) фақат ссуда капитали бозори иштирокчиларининг доирасида кизикиш уйготади дейиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майда қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга сошлиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини бажариш билан боғлиқ янгиликлар эса кўп миллионли истеъмолчиларнинг эътиборидан четда қолмайди. Зеро 1 январдан бошлаб мам-

лакатимиз кўчаларида фақат янги турдаги таксилар ҳарката бўлади.

Минтақаларда барча такси машиналари (йўналишни таксилардан ташқари) сариқ рангда бўлиши ва «TAXI» таниш белгиси кўрсатилган тўқ сариқ рангли фонарга, олдинги эшиклирида эса қора шахмат таҳтаси ва «Т» ҳарфидан иборат композицияга, шунингдек ташувчи юридик шахс номланнишига эга бўлиши керак.

Янгиликлар ташки кўринишнинг ўзгариши билан чекланмайди. 2012 йилги такси салонида испоҳотдан аввалги, автомобиллар ҳисоблагич (таксометр) билан жиҳозланган ва автомобиль олд томонининг ўнгдаги юқори бурчагида «извончи» бўшлигидан далолат берадиган фонар пайдо бўлади.

...НАВОЙИДА

Хукumat автоташувчиларга ва маҳалий ҳокимият органлари тимсолида уларнинг мутасаддилари тақси маҳовчилар ўз автомобилларини янги талабларга мувофиқлаштиришлари учун ярим йил ажратди. Навоий шахри учун ҳам ушбу масала долзарб. Шахарда йўловчиларни ташиш бўйича хизмат кўрсатадиган 15 автотоҳужалик рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг балансида 122 автобус, 11 микроавтобус ва 404 енгил машина қайд этилган. Автопаркнинг катта қисмини такси машиналари ташкил қилишини кузатиш қийин эмас.

Автоҳужаликлар ва шаҳар ҳокимлигига ушбу мавзуда ўтказилган тадбирларда инспекция ходимлари фойтда фаол иштирок этдилар. Улар автоташувчиларга кўплаб янгиликларни етказишиди. Агар илгари йўллардаги рейд ва текширишлар давомида ЙХХДХ ходимлари асосий эътиборни такси ҳайдовчиларида лицензия карточкалари ва йўлланмалари бор-йўқлигига қаратган, рухсат берувчи ҳужжатларсиз йўловчиларни ташиётган шахсларни аниклаган бўлсалар, 2012 йилдан бошлаб такси ҳайдовчиларининг НКМ ва тўлов терминаллари билан ишлаш қоидаларига риоя қилишлари ҳам текширилади.

Шубҳасиз, автоташувчилар учун янги ва янада қатъирик стандартларнинг белгиланиши кишиларни автотранспортда ташиш соҳасида хизматлар сифатини ошириш ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган. Бу мазкур тармоқни испоҳ қилиш бўйича изчил олиб борилаётган испоҳотларнинг навбатдаги қадами бўлиб, ундан кўзланган мақсад автоташувчиларнинг фаолияти истеъмолчилар учун ҳам, назорат қилувчи органлар учун ҳам очик-ошкор ва тушунарли бўлишини таъминлашдан иборатdir. Шу муносабат билан Президентнинг 5 йил аввалги «Автомобиль транс-

портида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга ошириши тартибга солиш тўғрисида» қарорини³ (бундан кейин – ПҚ-303-сон қарор) эслаш ўринлидир. Айни у тармоқни тубдан ўзгартиришнинг босқичма-босқич жараёнини бошлаб бериб, автотранспортда йўловчилар ташиш соҳасида лицензияли фаолият билан фақат юридик шахслар шуғулланишлари мумкинлигини белгилади.

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу рентабелли ва барқарор бизнес бозор конъюнктурасига кам учраган, чунки автоташувчиларнинг хизмати ҳар доим талабгир бўлади. Баъзи рақамлар ҳам буни тасдиқлайди. Навоийдаги барча автоташувчиларнинг ойлик ялпи тушуми 250 млн сўмдан ошади. Ушбу соҳада автомобилдан фойдаланишдан ҳар ойда 600 минг сўм, ҳар кунига эса 23-25 минг сўм даромад олинади.

З чорак мобайнида инспекция ходимлари бошқа назорат тузилмалари билан биргалиқда автоташувчилар томонидан ПҚ-303-сон қарори талабларига риоя этилишини текшириш бўйича 21 та рейд ўтказдилар. Энг кўп тарқалган ҳукуқбузарлик – йўловчиларга йўл чипталари берилмаслиги. Чунончи, бир хусусий корхонага қарашли шаҳар автобуси ҳайдовчиси Ф.С. назорат харири давомида йўловчига чипта бермаган. Бундан кейинги текшириш унда чипта берилмаган 110 минг сўм нақд тушум борлигини аниклади. Суднинг ҳал қилув қарори билан ҳайдовчи энг қам иш ҳакининг 1 баравари, корхона директори эса ЭКИХнинг 5 баравари миқдорида жаримага тортилди. Бундан ташқари, корхонага 1,8 млн сўм молиявий санкция солинди. Йил бошидан бери ҳукуқбузар автоташувчилар жами 42 млн сўм жарима тўлганлар.

УСТУВОРЛИКЛАР

- Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимизнинг ҳукуқий кафолати

1-бет

ИСПОҲОТЛАР – АМАЛДА

- «Янги йил»га тайёргарлик
- Валюталар курси 1-2-бетлар
- БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
- Барглар хазонга айланганда
- Томнинг бандилари
- Томдан чакка ўтиши гашти...ми?

- Кўшниларда эса бадаллар кам...
- Ҳисоблагич «Ўзбекэнерго» ҳисобидан

3-6-бетлар

- КАДРЛАР БЎЛИМИ**
- Камроқ иш ҳақига... розиман
 - Вазифани бажарувчи эмас, вактинча ишловчи
 - Вилоят қайта номланган бўлса
 - Зўриқишидан эҳтиёт бўлинг
- РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

8-бет

Бундан ташқари, такси машиналари радиостанциялар, белгиланган тартибда маҳаллий ДСИда рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши керак. Такси машиналарининг барчасида битта ўзига хослик бўлади, бу – маҳсус сериядаги давлат рақамидир.

Мазкур ҳолда автотранспорт барча эгаларига татбик этиладиган яна бир янгиликни эслатиб ўтиш ортиқчалик киммайди. Сўз Соғлини саклаш вазирлигининг июнь ойидаги бўйруғи² ҳақида боряпти, у билан транспорт воситаси салонида бўлиши керак бўлган мажбурий тибий анжомларнинг рўйхати тасдиқланган. Рўйхат энг зарур дорилар кутиласини ҳам кўшганда 17 номдан иборат. Йўл ҳаракатининг амалдаги қоидалари мазкур кутича бўлмаса транспорт воситасидан фойдаланиши тақиляйди.

... ВА БУХОРОДА

Шаҳарда сариқ рангдаги такси машиналари пайдо бўлди. Вилоят маркази таксопаркини қайта ташкил этиш масалалари билан шаҳар маъмурияти ва бевосита тармоқ мутасаддилари – Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг мутахассислари шуғулланадилар. Ишлар нафақат автоҳужаликлар ва автомобил эгалари билан олиб бориляпти, балки шаҳар маъмурияти, масалан, техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига яна да кўпроқ эътибор бера бошлади, токи улар юзлаб машиналарни қайта бўяш кераклигидан фойдаланиб, хизмат нархини ошириб юбормасинлар. Тўлов терминалларига талаб ошиб кетишини ҳисобга олиб, кредит муассасалари билан масалалар ҳал этиляпти.

Ана шу ишда Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари ҳам иштирок этаптилар. Зеро, ПҚ-303-сон қарорни бажариш бўйича назорат иши учун улар ҳам жавобгардирлар. Бу борада улар каттагина тажрибага эгалар, айтиш мумкинки, автоташувчиларнинг мажбурий тўловлар тўлиқ тўланиши, транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича тармоқ меъёрлари ва йўловчилар ташиш хавфсизлигига риоя қилишни таъминлайдиган талабларга риоя этишлари бўйича мониторинг тизими барпо этилди. Шу сабабли рейд текширишларида ДСИ, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги шаҳар бўлими, ЙХХДХ ходимлари ва автоҳужаликларнинг вакиллари, одатда раҳбарлари иштирок этияптилар.

Ушбу текширишларнинг имкони борича

очиқлигини таъминлаш учун босма ва электрон ОАВ вакиллари таклиф этилмоқда. Автотранспортдаги текширишлар натижалари тўғрисидаги видеоҳисоботлар мунтазам равишда маҳаллий ТВ каналларида намойиш қилингани.

Шаҳарда ихтисослашган 51 автокорхона бор. Уларнинг хизматлар реализациясидан ойлик ялпи тушум 0,5 млрд сўмга яқинлашиб қолди. Унинг катта қисмини йўловчиларни ташишга ихтисослашган корхоналар ишлаб топяпти. Бухорода 18 та шундай автоҳужалик бўлиб, улар ҳар ойда қарийб 350 млн сўмлик хизмат кўрсатадилар.

Йил бошидан вилоят марказида 96 рейд ўтказилди. Улар давомида бирор-бир рухсат берувчи ҳужжатларсиз хусусий ташиш билан шуғуланаётган 377 киши аниқланди. Уларнинг деярли ҳаммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди ва уларга 48 млн сўмлик жарима солинди. Мазкур ҳолда молиявий санкциялар кичик эмас – ЭКИХнинг 20 бараваридан 100 бараваригача. Бироқ барibir бундай салмоқли жарима санкциялари ҳам таъсир этмайдиган енгил автомобиль эгалари ҳали ҳам учрайди. Бундай тижорий фаолиятга рухсат берувчи ҳужжатларсиз такси ҳайдоётган ва илгарилари бундай ҳукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган фуқароларга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилмоқда.

**Амир МАҲМУДОВ,
маҳсус мухбири миз.**

¹ АВ томонидан 2004 йил 1 юнда 1380-сон билан рўйхатдан ўтказилган.


² АВ томонидан 2011 йил 5 юнда 2241-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

³ 2006 йил 9 марта ПҚ-303-сон.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАР, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.12.2011	1	0,7864	1	1,0488	1	0,0251
Арманистан	9.12.2011	1	383,12	1	511,24	1	12,15
Беларусь	10.12.2011	1	8520,00	1	11320,00	1	270,00
Грузия	9.12.2011	1	1,6576	1	2,2205	1	5,3076
Козогистон	10.12.2011	1	147,80	1	197,15	1	4,68
Киргизистон	10.12.2011	1	46,5855	1	62,1497	1	1,4757
Латвия	12.12.2011	1	0,527	1	0,702804	1	0,0167
Литва	10.12.2011	1	2,596	1	3,4528	10	8,2136
Молдавия	9.12.2011	1	11,7682	1	15,7558	1	0,3755
Тоҷикистон	10.12.2011	1	4,7586	1	6,3709	1	0,1509
Ўзбекистон	6.12.2011	1	1783,85	1	2383,14	1	57,90
Украина	9.12.2011	100	798,99	100	1071,4456	10	2,5583
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru



Маърифий мавзудаги нашр

МУНДАРИЖА:

- ✓ Барглар хазонга айланганда
- ✓ Томнинг бандилари
- ✓ Томдан чакка ўтиши гаштили...ми?
- ✓ Кўшниларда эса бадаллар кам...
- ✓ Хисоблагич «Ўзбекэнерго» хисобидан



Дикқат, муаммо!

БАРГЛАР ХАЗОНГА АЙЛАНГАНДА

? 2009 йилдан бошлаб Тошкентнинг Яккасарой туманидаги Maxsustrans ширкатларимиз тўкилган барглар ва хазонларни ўз ҳисобидан алоҳида шартномалар асосида олиб чиқиб кетишини талаб қиляпти. Бироқ кўчалардаги хазон уюмлари ва туташган ҳудудларнинг ҳовлиларидағи хазон уюмлари қаттиқ майший чиқиндиларга киради, уларни олиб кетишга корхона кўп квартирали уйларда яшовчи жисмоний шахслар билан шартнома тузади. Бу Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш қоидаларида назарда тутилган. Ушбу ҳужжатда хизмат истеъмолчиси, яъни жисмоний шахс номидан шартномани уй-жой фондидан фойдаланишни амалга оширувчи юридик шахс (уй-жой мулкдорлари ширкати, уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти ва бошқалар) тузиши мумкинлиги ҳам айтилади. Ширкатлар томонидан хазон уюмини олиб кетишга шартнома тузиш талаби қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланмайдими? Ана шу хизмат учун Maxsustransга икки марта: квартиralар мулкдорлари ва ширкатлар ҳақ тўлаган бўлиб чиқмайдими?

Яккасарой туманидаги ХУМШлар гурухи,
Тошкент шахри.

Расмий жавоб

– Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш қоидаларининг¹ 1.5-бандига кўра, қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларга аҳолининг турмуш фаолияти натижасида ҳосил бўлган нарсалар (озик-овқат чиқиндилари, квартиralарни таъмирлашдан чиқсан қурилиш чиқиндилари, уй-рўзгор ашёлари, кўчалардаги хазон уюмлари, уй атрофидаги ҳудуд хазон уюмлари, тўкилган барглар, марказлаштирилмаган канализация-

нинг фекал чиқиндилари ва бошқа ахлатлар) киради.

Қаттиқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун аҳоли тўлайдиган ҳақ (1 киши учун ойига 1 000 сўм) якка тартиbdаги ва кўп квартирали уй-жойлардан бевосита турар жойдаги турмуш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган озик-овқат ва ноозик-овқат чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни назарда тутади.

Квартиralар таъмирланганидан

кеин қурилиш чиқиндилари, ихтинослаштирилган автотранспорт кузовининг қабул қилиш люкига сифмайдиган йирик ҳажмли чиқиндиларни (эски мебель, совуткичлар, телевизорларни радиоаппаратларни) йиғиш ва олиб чиқиб кетиш чиқиндиларни чиқариб ташловчи (улар эгаси) буюртмаси бўйича шартнома ҳамда кўрсатилаётган хизмат калькуляциясига мувофиқ алоҳида ҳақ эвазига амалга оширилади.

Замонавий архитектура- ➤

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.
¹ АВ томонидан 1999 йил 20 февралда 647-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

шашарсозлик талабарини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари² санитария жиҳатидан тозалашни ҳам ҳудудларни ободонлаштиришга киритади. Ушбу Коидаларнинг 39 ва 40-бандларида назарда тутилишича, ободонлаштириш объектларини санитария жиҳатидан тозалаш тизимиға ҳовли ҳудудларини, кўчаларни ва умумий фойдаланиладиган жойларни тозалаш ҳамда уйларни тозалаш: канализация биноларини суюқ чиқиндилардан (ифлосликлардан) тозалаш; барча биноларни, шу жумладан, уй-жойларни қаттиқ майший чиқиндилардан (ахлатлардан) тозалаш киради, уларни шартнома асосида, хўжалик ҳисоби бўйича фаолият юритадиган ихтинослаштирилган транспорт корхоналари ахлатхоналарга (полигонларга) ташиб кетади.

Мавзе ичидағи йўллар ва тротуарлардан, шунингдек уй ёнидаги ҳудудлардан ҳазон уюмларини олиб чиқиш хизматларига ушбу ҳудудларни тутиб туриш мажбурияти зиммасига юкланган ташкилотлар – умумий мол-мулк ва ободонлаштириш элементлари билан бирга ер участкасини тутиб туришга уй-жой мулкдорларининг бадалларини жамлайдиган ХУМШлар ҳақ тўлайди.

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 35-моддасига мувофиқ ер участкалари ширкатга доимий фойдаланиш хукуки билан берилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг наmunavij устави³ ХУМШнинг ер участкаларини тутиб туриш харажатлари микдорларини белгилаш ҳукуқини, шунингдек мулкдорларининг унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари билан

бирга ер участкасини сақлаб туришни таъминлаш бўйича умумий харажатларни амалга ошириш мажбуриятини белгилайди. Яшил дов-дараҳтлар, йўллар, тротуарлар билан банд бўлган мавзе ичидағи ҳудудлар ширкатларнинг ер участкалари ҳисобланади, шу сабабли улар ушбу ҳудудларни тутиб туриш, шу жумладан улардан ҳазон уюмларини олиб чиқиб кетишни ҳам амалга оширадилар.

Яккасарой туманидаги ширкатларнинг «Яккасарой-Максустранс» АТКнинг ХУМШлар худудидан ахлат уюмларини олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартномалар тузиш тўғрисида талабарининг ноқонунийлиги хусусидаги даъволари асоссиз ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зиддир.

**С.НЕЪМАТОВ,
«Максустранс» ИЧБ ДУК
бошлиги.**

Тахририят шарҳи

КОИДАЛАРГА АСОСЛАНГАН ВА ҚОИДАСИЗ ЎЙИН

Ушбу масалани кўриб чиқаётганда даставвал тутиб туришлари, шу жумладан худудидан ҳазон уюмларини олиб чиқиб кетишлари керак бўлган ширкатлар ер участкаларининг чегараларини белгилаб олиш керак. Уларни ер ресурслари ва давлат кадастри органлари ХУМШни рўйхатдан ўтказиш чоғида белгилайдилар⁴. Улар ширкатнинг ер участкасига доир ҳукуқини рўйхатдан ўтказадилар ва унга давлат далолатномасини берадилар. Ширкатлар мавзе ичидағи ҳудудлар, йўллар ва тротуарларнинг эмас (бу бошқа ташкилотлар – ҳудудларни ободонлаштириш бўйича туман бошқармаларининг хос ҳукуқидир), балки кадастри ҳужжатларида чегаралари белгиланган ер участкаларини тутиб туриш учун жавоб берадилар.

ХУМШнинг ер участкаларидан фойдаланиш ҳукуки Ер кодекси, Уй-

жой кодекси, ХУМШ тўғрисидаги Қонун, Президент ва мамлакат ҳукуматининг фармон, қарорлари билан мустаҳкамланган.

Чунончи, ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддаси билан белгиланишича, ширкат – кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир. Ширкатнинг ҳукуқларини белгиларкан, ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси, хусусан, «ХУМШ умумий молмulkни, ер участкасини... сақлаш усулини



²ВМнинг 2009 йил 9 марта даги 59-сон қарори билан тасдиқланган.

³ВМнинг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига 1-илова.

⁴Президентнинг 2005 йил 10 февралдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-3-сон қарорига 3-илова.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

белгилаш» хуқуқига әғалигини қайд этади.

Белгиланган хуқуқлардан мажбуриятлар ҳам келиб чиқади. ХУМШ тұғрисидаги Қонуннинг 16-моддасыда айтилишича, ширкат умумий мол-мулк, ширкатнинг **ер участкаси** ва мол-мулки белгиланган қоидалар, нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ **асралиши** ва **сақланишини таъминлаши шартлиги** айтилади.

Ширкат аъзолари умумий **йиғилишининг ваколатларига** умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкасини** ва мол-мулкини **сақлаш ишларининг йиллик режасини** ҳамда унинг ижроси тұғрисидаги ҳисботни тасдиқлаш киради (ХУМШ тұғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси). Ширкат бошқарувининг **ваколатларини тартибга соладиган** ХУМШ тұғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси, унга, хусусан, умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкасини** ва мол-мулкини **сақлаш ишлари режасининг лойиҳасини тузиш**, шунингдек **ер участкасининг санитария ҳолати талаб даражасида бўлиши, ободонлаштирилиши ва суғориш тармоғининг сақланиши учун жавобгарлигини** киритади. Ширкат аъзоларининг **умумий харажатлари** тұғрисида тұхталаркан, ХУМШ тұғрисидаги Қонун улар ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкаси**ни ва мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ харажатлари эканлигини белгилайди. Ширкатнинг **ер участкасидаги** кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ХУМШ тұғрисидаги Қонуннинг 37-моддаси ХУМШ мол-мулкига киритади.

МАЖБУРИЙ БАЖАРИЛАДИГАН ИХТИЁРИЙЛИК

Ер участкаларини тутиб туриш, шунингдек хазон уюmlарини (худуд тозаланганда барглар, чанг-тўзон, қум ва ҳоказолардан иборат ҳолда йиғиладиган ахлатни) Махсустранс бўлинмалари билан шартномага кўра олиб чиқиб кетиш харажатларини ширкатлар даромад ва харажатлар сметасига киритадилар. Ер участкаларини тутиб туриш, шу жумладан хазон уюmlарини олиб чиқиб кетиш бўйича муаммолар катта ширкатларни кичиклаштириш натижаси-



да пайдо бўлган ХУМШларда юзага келиши мумкин. Баъзи ширкатларнинг худуди чегаралари бинонинг пастки қисмига туташтириб, уй атрофидаги худудсиз белгиланган, бунинг ўзи қонун ҳужжатларини бузишидир. Агар ширкатда ер участкаси бўлмаса, демак, у штатда фаррошни тутиб туролмайди, зоро бу мақсадсиз харажатлар бўлади, улар исталган текширишда аниқланиб, бунинг учун ХУМШга жарима солинади. Бу ҳолда ер участкаларини тутиб туришни давлат худудларни ободонлаштириш бошқармалари тимсолида ўз зиммасига олиши керак. Бироқ улар бундай қилишга хоҳиш билдиримаяптилар. Бироқ агар уй атрофидаги худуд тозаланмаса, бу ҳол аҳолининг норозилигига сабаб бўлади, ҳовлилар эса ахлатхонага айланади. Шу сабабли мазкур масала кўриб чиқиш ва тартибга солишини тақозо этади.

Яна бир муаммо: ширкатларни ХУМШнинг **ер участкалари** ҳисбламаган (агар, албатта, бу улардан фойдаланиш ҳуқуқига доир давлат далолатномаси билан тасдиқланган бўлмаса) мавзе ичидаги йўллар, тротуарлар ва мавзелараро худудларни ҳамда улардан хазон уюmlарини олиб чиқиб кетишга мажбур қилишга уриняптилар. Бошқача айтганда, уларни худудларни ободонлаштириш бўйича бошқармалар ходимларининг функцияларини бажаришга мажбур қиласптилар. Ушбу қонунбузарлик ширкатлар зиммасига қўшимча юк

бўляпти. Зоро ширкатларнинг кўпи фаррошларга эга эмас: кўплаб бир уйли ХУМШларнинг уй ёнидаги худудларини аҳолининг ўзи тозалаб, маблағларни тежаяпти.

Бироқ баъзи ширкатлар, муносабатларни аниқлаштиришдан чарчаб, мавзелараро худудларни ўзлари тозалаяптилар ёки ушбу хизматтага... худудларни ободонлаштириш бўйича бошқармаларнинг ходимларига буюртма беряптилар, ҳолбуки бу уларнинг тұғридан-тұғри мажбуриятидир. Аслини олганда ҳаммаси бутунлай акси бўлиши керак: ширкат мавзелараро худудни тозалаш тұғрисида ободонлаштирувчилик билан шартнома тузиши ва ушбу ишни бажарганлиги учун ҳақ олиши мумкин. Бунинг иложини топишга ҳаракат қилиб, бир қатор ХУМШлар муроса вариантини ишлаб чиқдилар. Ширкатлар уларнинг уйларини бирлаштирувчи мавзелараро худудни участкаларга бўладилар, уларни тозалаш ва хазон уюmlарини олиб чиқиб кетиш жадвалини тузадилар, ушбу жараённи назорат қиласптилар. Бу ҳолда тенг равишида барча ХУМШларга юк тушади ва уларнинг ҳар бири жамоат ишларида бир йилда 2-3 марта ишлашига тұғри келади. Агар ушбу чизма амалиётдан ўрин олса, фақат мажбурий бажариладиган ихтиёрийлик тартиби амал қиласи, зоро у ХУМШ тұғрисидаги қонун ҳужжатларига зиддир.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ТОМНИНГ БАНДИЛАРИ



2008 йилда уйимизда томдан чакка ўта бошлади. Мен бир неча марта ХУМШга мурожаат қилдим, улар ҳеч нарса қилишмади, бироқ: «Буюртманомангиз қабул қилинди», – деб туришди. 2009 йилда ўз маблагимга квартирам устидаги томни таъмирладим. 2011 йил баҳорида яна чакка ўтди. Яна ишчиларни таклиф қилдим. Бироқ уларнинг айтишича, бўлиб-бўлиб қилинган таъмирлашда чакка ўтмаслигига кафолат бериб бўлмайди. Юқори қаватларда яшаганимиз учун томнинг асирига айланганимиз. ХУМШ ходимлари шикоятларимга эътибор бермаганликлари, чакка ўтадиган том остида яаш мумкин бўлмаганлиги сабабли ўз ҳисобимдан бутун томни таъмирлашимга тўғри келди. Бунга 520 000 сўм сарфладим. Ҳолбуки бутун иш ҳақим бор-йўғи 200 000 сўм ва пенсиям 100 000 сўмдан иборат.

Газетангизда Президентнинг 2011 йил 30 марта ПҚ-1542-сон қарорини ўқидим. Ушбу ҳужжатга илованинг IV бўлимида квартира ва уйларни жорий таъмирлашда пенсионерларга ёрдам бериш тўғрисида гапирилган. Менга ушбу Дастурга кўра қилинган таъмирлаш қийматини қоплашлари мумкинми? Менга буни ким қоплаб бериши керак?

Е. Колесникова.
Чилонзор-18, Тошкент шаҳри.

– Президентнинг 2011 йил 30 майдаги ПҚ-1542-сон қарори билан 2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Унинг IV бўлимида ҳар йили бошқалар парваришига муҳтоҷ бўлган камиде 120 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга квартира ва уйларни жорий таъмирлашни амалга оширишга 60 млн сўм ажратиш назарда тутилган. Бироқ ушбу Дастур амалга ошириб бўлинган таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни компенсациялашни назарда тутмайди.

Унда бундан кейин иштирок этишга келсак, сиз тегишли буюртманома билан яаш жойингиздаги маҳалла йигини ёки туманингиз ҳокимлигига мурожаат қилишингиз мумкин, чунки айни улар ушбу қисмда Дастур ижроилари этиб тайинланганлар.

«Хусусий уй-жой мулкдорла-



рининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон) 28-моддасига кўра томлар умумий мол-мulkка киради. Уни тутиб туриш, мукаммал ва жорий таъмирлашни амалга ошириш эса сизнинг ХУМШ мажбуриятларига киради. Ўзингизнинг шахсий маблағларингизга таъмирлашни амалга оширганингиз сабабли сиз:

яшовчиларнинг умумий йиғилиши рози бўлган тақдирда умумий мол-мulkни таъмирлашга доир қилинган харажатларни ХУМШга бўлғуси тўловлар ҳисобига киритини;

ёки харажатларни тўлиқ компенсациялашни талаб қилишга ҳақлисиз.

ХУМШ сизнинг талабларингизни қондиришдан бош тортган тақдирда сиз судга мурожаат қилишингиз мумкин. ◉

Мария ТУХТАРОВА,
эксперт-юристимиз.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ТОМДАН ЧАККА ЎТИШИ ГАШТЛИ...МИ?



Неча йилдирки, уйимиздан чакка ўтади. Намгарчилик бўлди дегунча чакка-бозлиқ бошланади – квартирада электр симлари нам тортиб қисқа туташув рўй беради. Шипга қараб бўлмайди – бежалиб кетган, қуриб улгурмайдиган деворларни могор босган – пўпанакхона дейсиз гўё. ХУМШга ёзма ва оғзаки мурожаатлар натижа бермади. Ниҳоят ўтган йили ширкат тунукани қисман таъмирлаган бўлди. Ташвиш ариб биз ҳам эркин нафас олдик ва квартирани тартибга келтирдик: шипни оқладик, деворларга янги гулқоғоз ёпиштирдик, керакли жойларни мойладик. Манзара ўзгариб квартирамиз шинам тус олди, кўнгилхиралик йўқолди. 2011 йилнинг қиши етиб келди-ю, аҳвол эски ҳолига тушди-кўйди. Томдан чакка ўта бошлади. Шипдаги таъмиротлардан асорат ҳам қолмади. Гулқоғозлар кўчиб тушди. Қилган ишларимиз йўққа чиқди, сарфланган пуллар ҳавога учди. Негаки ширкат тунука томни номигагина таъмирлаган экан. Ширкат раиси томни тузатиб берамиз деб ваъда қилди. Лекин иш яхшилик сари ўзгаришига ишончимиз йўқ.

Ширкат томни тўлиқ таъмирлаб бериши ва бизга етказган зарарнинг ўрнини қоплаши учун кимга мурожаат этишимиз керак, қандай ҳужжатлар керак бўлади бунда?

М.Александрова.
Тошкент шахри.

ТОС ЖОНГА ОРО КИРДИ

Таассуфки, ширкат томонидан ўтказилган таъмирлаш ишлари кўп ҳолларда тузук натижа бермайди. Сабаби ХУМШнинг бошқарувга оид қарори тўғри эмаслигига. Башарти томдан йиллар мобайнида чакка ўтиб, одамлар шу хусусда ширкатга муттасил мурожаат этиб келган бўлса, бу кечикириб бўлмайдиган, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган иш аллақачон ишлар режасида, даромадлар ва харажатлар сметасида акс эттирилиши керак эди. Уй аҳлининг умумий йиғилишида том масаласини нима қилиш кераклиги хусусида қарор қабул қилиниши зарур эди. Бунда муаммонинг икки хил ечими бўлиши мумкин. Улардан бири: одамлар иш замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда сифатли бажарилиши ва бу масалага ҳар йили қайтмаслик учун капитал таъмирлаш учун пул тўплалари зарур. Томнинг чакка ўтаётган жойларини ямаб, қозаки таъмирлаш мумкин (бу ҳол муаммони бартараф этмайди, унинг ечим топишини кейинроққа суради, холос). Бироқ тунука томнинг тешик жойларини ямаб кўя қолган тақдирда ҳам қандай ма-

териаллар ишлатилаётганлигини, таъмир ишларини ким (кимлар) адо этишини назорат қилиш зарур. Пардоз бериш қабилидаги юзаки таъмирлаш иши билан чекланилганда қандайдир шубҳали материаллар эмас, балки сифатли материаллар ишлатилишига ҳаракат қилиш лозим. Акс ҳолда яна чакка ўтиш билан боғлиқ «кatta ашула» бошланиб, тос жўрлиги авжига чиқади.

НАҲОТКИ ҲЕЧ НАРСА ЎЗГАРМАСА?

Ширкатни томни таъмирлаб беришга мажбур қилиш йўллари борми деган савол туғилиши табиий. Мабодо сизларнинг ХУМШ рисоладагидек ишлаётган, уй аҳли фаоллик кўрсатиб, раисни ҳар тарафла мақулаб-куватлаб турган бўлса, томни таъмир этишга мажбурашга ҳожат қолмайди. Ҳамма нарса кўпчилик бўлиб, умумий йиғилишда ҳал этиладиган ширкатларда бу ишга устувор масала деб қаралади. Борди-ю, ХУМШда бу борада аҳвол бутунлай тескари бўлса, квартира эгалари фурсатни бой бермай, чаккабозликни бартараф этиш муаммосини ҳал этишга киришишлари керак.

Томни таъмирлаб бериш хусусидаги ариза билан ширкатга бир эмас, бир неча марта мурожаат этган бўлсангиз керак. Сизлар томондан мурожаатлар қанча кўп бўлган бўлса, ХУМШ устидан даъво билан судга мурожаат этадиган бўлсангиз, ўзингиз учун шунча яхши бўлади. Ёдингизда бўлсин: бошқа инстанцияларга бўлгани каби ширкатга мурожаатлар фақат ёзма шаклда ва икки нусхада бўлмоғи керак. Раис аризанинг ўзингизда қоладиган иккинчи нусхасига уни қабул қилиб олган санани кўрсатган ҳолда имзо кўйиб бериши керак.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ХУМШдагиларнинг бундай аризаларга эътибори қандай бўлишини олдиндан билса бўлади: ё уй аҳлига томни таъмирлаб беришни ваъда қиласидар, бироқ одатда гап шундан нарига ўтмайди; ёки ширкатда маблағ йўқлиги сабабли рад этадилар; ёхуд амал-тақал қилиб томни қисман таъмирлайдилар, бундай таъмирлашнинг оқибати эса яхши бўлиб чиқиши ҳам, ёмон бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Мабодо ана шу мурожаатдан кейин ХУМШ ҳеч нарса қилмаса, квартира эгаси томдан

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

յутаётган чакка тосга тушиши нағмасини эшитишга, туар жойи птурдаң кетаётганига қараб туришга тоқати етмайдын бўлса, моддий заарни қоплаб бериш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишдан бўлак йўли қолмайди.

Бироқ судга мурожаат қилиш учун умумий мол-мулк таъминоти учун бадалларни вижданан тўлаб келаётган тўловчи бўлишингиз лозим. Борди-ю, ширкатнинг ҳаракатсизлигидан хафсалангиз пир бўлиб, бундай бадалларни тўламай қўйган бўлсангиз, бу ҳол сизнинг зиёningизга ишлайди. Зотан сиз ва қўшниларингиз бадал тўлашдан бош тортган бўлса, ширкат томни қайси маблағга таъмирлаши керак деган савол келиб чиқади.

Чакка шариллаб, мўл-кўл ўтаётган бўлса, мол-мулкингизга моддий зарар етганини тасдиқловчи далолатнома тузиш зарур. Агар даъво билан судга мурожаат қилмоқчи бўлсангиз, ана шу далолатнома кўл

келади. Далолатнома ХУМШ раиси, уй қўмитаси раҳбари ва қўшнилардан бири иштирокида иккиси нусхада тузилади, улар далолатномада акс эттирилган манзарани (ҳолатни) ёзма равишда тасдиқлашлари керак. Далолатноманинг битта нусхаси квартира мулқдорида қолиши лозим. Судга мурожаат этилган тақдирда квартирангизга етказилган моддий зарар баҳоланмоғи зарур. Бу иш белгилаб қўйилган ҳақ эвазига экспертиза қиладиган ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилади.

Судга боришдан аввал албатта яна бир карра ширкат раисига учранг. Ниятингиздан уни хабардор этиб, томни таъмирлаш хусусида бир неча бор ариза билан мурожаат этганингизни, буни ҳужжатлар билан исботлай олишингизни айтинг. Мурожаатларингизга қарамай, ширкат ҳеч нарса қилмаган бўлса, бу ҳол «Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунни бузишdir. Шу туфайли сиз

моддий заарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш даъвоси билан судга мурожаат этишга ҳақлисиз.

Башарти ширкат «ямоқ-ясҳоқ» қабилидаги таъмирлаш ўтказиш учун ҳам пул йўклигини рўйач қилса, масалани тинч йўл билан ҳал қилишни таклиф этишингиз мумкин. Масалан, томнинг тузатмаса бўлмайдиган жойларини таъмирлашни молиялаштириш ва буни кейинчалик умумий мол-мулк таъминотига мўлжалланган мажбурий бадалларни тўлашда суришиш ёки чегирма қилиш фоясини қўшнилар билан муҳокама қилиб, бир тўхтамга келиш, шундан кейин ширкат раисига айтиш мумкин. Бу ҳақдаги қарорни ширкат аъзолари умумий йиғилиши қабул қиласи («Хусусий ўй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Конуннинг 30-моддаси). Агар бу фикр маъқул топилса, ишни сира ўз ҳолига ташлаб қўйманг, албатта ўз назоратингизга олинг. ◉

ҚЎШНИЛАРДА ЭСА БАДАЛЛАР КАМ...



Бизнинг 9 қаватли уйимиздан 20 метр нарида айнан бизникига ўхшаш уй бор, бироқ унда яшовчилар умумий мол-мулкни сақлаб туришга биздагидан деярли 1,5 баравар кам бадал тўлашади. Бунинг сабаби нимада – ширкат бадаллар миқдорини ўз хоҳишича белгилайдими? Коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун қатъий тарифлар амал қиласи, ширкатларда ким нима хоҳласа, шу миқдор белгиланадими? Уйга қарашиб учун биз амалда қандай тариф бўйича ҳақ тўлашимиз керак?

А.Шамсиев. Тошкент ш.

– Уйдаги умумий мол-мулкни сақлаб туришга бадаллар миқдорини ширкат аъзолари умумий йиғилишида тасдиқлайдилар. У бошқариш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш билан боғлиқ барча ҳаражатларни қоплаши керак. Кўп квартиralи уйларнинг техник ҳолати турлича бўлганлиги сабабли, бир уйда қилиш керак бўлган ишларнинг рўйхати ҳам иккинчи уйдагидан фарқ қиласи. Демак, ушбу ишларни бажариш ҳаражатлари ҳам турлича бўлади.

Масалан, 4 қаватдан иборат уйдаги ширкатда томдан сув ўтади, у иккинчи қаватга қадар етган ва мукаммал таъмирланиши керак. Иккинчи уйда том билан боғлиқ муаммолар

йўқ, бироқ совуқ сув таъминоти тизимини жорий таъмирлаш талаб этилади. Биринчи ХУМШда бадаллар миқдори, шубҳасиз, иккинчи уйдагидан анча юқори бўлиши керак, зеро томни таъмирлаш жуда серҳаражат, қимматга тушувчи ишдир.

Агар ширкат аъзолари уларда умумий мол-мулкни сақлаб туриш учун бадаллар ҳаддан ташқари юқори деб ҳисоблашса, баъзи бир ишларни **ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши** қарори билан йил бошида тасдиқланадиган ишлар режасидан чиқариб ташлашлари мумкин. Бироқ бунда улар бу ишлар бажарилишини талаб қилмасликлари керак.

Агар умумий мол-мулкни тартибга келтирган ва айни пайтда унинг техник ҳолатини сақлаб туриш билан шуғулланаётган бўлсалар, умумий йиғилишнинг қарори билан ширкат аъзолари бадаллар миқдорини камайтиришлари мумкин. Масалан, узоқ йиллар давомида уйда иситиш тизими яхши ишламаган ва аҳоли совуқ квартираларда яшаган. Умумий йиғилишда уни тартибга келтиришга қарор қилинди. Ҳаражатлар ҳисоблаб чиқилди – бадалнинг миқдори анча юқори бўлиб чиқди, чунки мукаммал таъмирлашга қарор қилинган эди. Мукаммал таъмирлаш тугалланиб, уй исигач, яшовчилар бадал миқдорини озроқ

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

камайтиришга қарор қилишди. Яъни барчаси уй ҳолатига ва ширкат аъзолари ўз бошқарувлари олдига қўядиган мақсадларга боғлиқдир.


Ширкат яхши ишлайдиган жойда бошқарув ўз фаолиятининг очиқошкор бўлишидан манфаатдордир. Бундай ХУМШларда мулкдорлар ишлар режаларидан, уларни бажариш харажатларидан, бадаллар миқдоридан хабардор бўлиб туришлари учун ҳамма иш қилинади – буларнинг ҳаммаси йиғилишларда муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Агар ширкатда «бошқарув ўз ҳолича, яшовчилар ўз ҳолича» қоидаси амал қиласа, мулкдорларни уйнинг манфаатлари қизиқтирмайди, ХУМШ раҳбарлари эса улар билан мулоқотда бўлишга интилмайдилар. Бундай



ширкатларда доимо: «Нима учун бизнинг уйимизда бадалларнинг

миқдори қўшни уйлардагидан кўп?» – деган савол туғилаверади. ◉

ҲИСОБЛАГИЧ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ҲИСОБИДАН



– Президентнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Фармонини (2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон) ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (2009 йил 5 июндаги 150-сон қарор, бундан кейин – 150-сон Қарор) билан 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда, у истеъмолчиларда электр энергиясини ҳисобга олиш замонавий электрон асбобларини ўрнатишни талаб қиласи.

150-сон Қарор 5-бандининг иккинчи хатбошисида белгиланишича, **маиший истеъмолчиларга** Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд асбобларини алмаштириш ва замонавий электрон асбобларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Истеъмолчиларнинг табиий газ ва электр энергияси учун қарзларини камайтириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва кейинчалик унинг ўсишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси-


нинг 2011 йил 17 майдаги 283-ф-сон фармойишига асосан 2011 йил 15 октябригача қарзлар инвентаризацияланди.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида (ВМнинг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Қоидалар) ҳисобга олишнинг электрон асбобларини алмаштириш ва ўрнатиш тартиби тушунтирилган.

Қоидалар 47-бандининг иккинчи хатбошисида белгиланганидек, шартнома бўйича **электр энергиясидан майший истеъмол учун фойдаланувчи истеъмолчи сифатида жисмоний шахс** иш кўрган тақдирда, электр тармоқларининг, шунингдек электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбобларининг зарур техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти худудий электр тармоқлари корхонасига юкланади. Ҳисобга олиш асбоблари зинапоя майдончаларида ўрнатилган тақдирда уларнинг сакланиши ва бутлиги учун **хусусий уй-жой мулкдорлари** ширкати ҳамда уй-жой тасарруфида бўлган идора, ташкилот **жавоб берадиган** ҳолатлар бундан мустасно (Қоидаларнинг 98-банди). Улар шикастланган ёки ўғирланган ҳисобга олиш асбобларини ўз ҳисобидан тиклаши шарт.

Худудий электр тармоқлари корхонаси билан бўлинниш чегарасидан истеъмолчиларгача бўлган умумий уй-жой электр тармоқларининг

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



узлуксиз электр таъминоти билан боғлиқ бўлган техник ҳолатини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун худудий электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари жавоб беради (Қоидаларнинг 101-банди).

Қоидаларнинг 103-бандига мувофиқ **электр тармоқлариға янгидан уланадиган уй-жойлар ва хонадонларда** Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимиға уланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари **уй-жой эгаси томонидан сотиб олинади**, унинг ҳисобига давлат қиёслашидан ўтказилади ва рўйхатдан ўтказиш учун электр тармоқлари корхонасига топширилади. Хисобга олиш асбоби уй-жой ёки хонадон эгасининг буюртманомасига биноан бир ҳафта муддатда, унинг иштирокида худудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан ўрнатилади.


Маиший истеъмолчиларда мавжуд бўлган ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш ҳамда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимиға уланадиган электр энергиясини **электрон ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш** (уйлар ва квартиralар электр тармоғига янгидан уланадиган истеъмолчилардагидан ташқари) «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Қоидаларнинг 46-бандида кўрсатилишича, ҳисобга олиш (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек иккиласми коммутация, ҳисобга олиш асбобларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) **истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёслашидан ўтказиш ва ўрнатиш**, шу жумладан, улаш бўйича худудий электр тармоқлари корхонасининг хизматларига ҳақ тўлаш **истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади**.

Қоидаларнинг 120-123-бандларида белгиланишича, маиший истеъмолчидаги амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш асбобини улаш чизмаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби) билан бузилгани ёки йўклиги, пломбалар кўчирилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш асбобидан ташқари улангани ва бошка қоида бўзилишлари аниқланган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси охирги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисобитоб қилиши шарт.

Қайта ҳисоб-китоб қилиниши истеъмолчини Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Қайта ҳисоб-китоблар: ёритувчи ток қабул қилгичларнинг қуввати ва уларни ишлатиш соатлари сони бўйича; истеъмолчидаги штепсель розеткалари бўлганда (розеткалар сонидан қатъи назар) – ҳар суткада 24 соат давомида соатига 600 Вт қувват фойдалани-



лиши ҳисобидан; қуввати 600 Вт дан ортиқ бўлган истиши асбоблари ёки бошка электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолларида – истеъмолчи фойдаланаётган ускуналарнинг амалдаги қуввати бўйича, уларнинг ҳар суткада 24 соат ишлатилиши ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл қўйилган қоидабузарлик худудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ва маиший истеъмолчи томонидан имзоланган 2 нусхадаги қўшма далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади ва айни бир вақтда у энергия истеъмолидан узиб қўйилади.

Худудий электр тармоқлари корхонаси ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорини далолатнома асосида аниқлайди ва қўшимча тўлаш учун маиший истеъмолчига тўлов ҳужжати ёзиб беради. Тўлов ҳужжатини ёзишда амалдаги тариф қўлланади. Истеъмолчи ушбу қарор юзасидан норозилик аризаси бериш ҳукуқига эга, бироқ бу истеъмолчини қоида бузиш далолатномаси бўйича ёзилган қўшимча тўлов ҳужжатидаги суммани 10 кунлик муддатда тўлашдан озод қilmайди. Акс ҳолда худудий электр тармоқлари корхонаси маиший истеъмолчидан кўрсатилган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси беради.

Шу тартиқа, агар уйингиздаги тегишли хизматлар текшира оладиган жойда электр энергиясини ҳисобга олевчи соз ҳолатдаги асбоб ўрнатилган ва электр энергиясини етказиб бериш шартномаси мавжуд бўлса, янги электрон асбобга «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг **ўз маблағлари ҳисобидан алмаштиришлари** керак. Бироқ агар ҳисобга олиш асбоби **истеъмолчининг айби билан шикастланганлиги исботланса**, уни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёслашидан ўтказиш ва ўрнатиш, улаш бўйича хизматлар учун худудий электр тармоқлари корхонасига ҳақ тўлаган ҳолда, **сизнинг ҳисобингиздан амалга оширилади**. ◉

Римма СОЛОДНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

КАМРОҚ ИШ ҲАҚИГА... РОЗИМАН

? Корхонамиз йилни зарар билан якунлаётганлиги сабабли иш ҳақини пасайтириш масаласи кўйилди. Корхона ходимлар иш ҳақини пасайтириш учун қандай асосларга эга, буни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш лозим?

Корхона директори.

– Одатда меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (*Мехнат кодексининг 153-моддаси*, бундан кейин – МК).


Мехнат шартномаси тарафларидан бирининг талабига кўра меҳнат шартларини ўзgartиришга фақат ходим билан иш берувчининг келишувига кўра йўл қўйилади, МКда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. МК 89-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ меҳнат шартларини ўзgartириш ана шундай мустасно ҳолдир. Чунончи, иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзgartиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, **ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарғанлиги**, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳаклидир. Мазкур ҳолда у меҳнат шартларидаги бўларажак ўзгаришлар ҳакида ходимни камиде 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт (*МКнинг 89-моддаси*).

Агар ходимларнинг иш ҳақини пасайтириш меҳнатнинг ташкилий ёки технологик шартларини ўзgartириш, иш (маҳсулот, хизматлар) ҳажмларини қисқартириш билан боғлиқ бўлмаса, у фақат меҳнат шартномаси тарафларининг ёзма шаклда тузилган келишуви бўйича амалга оширилиши мумкин. Бунда меҳнат шартномасининг янги шартлари кўлла надиган сана тарафлар томонидан белгиланади. Ушбу талабларга риоя этилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақигача (бироқ ундан паст эмас) ҳам пасайтирилиши мумкин (*МКнинг 153, 155-моддалари*).

Бундан ташқари, ходимларнинг меҳнат ҳақи камайтирилганда иш берувчининг буйруғи билан штат жадвалига ўзgartиришлар киритилиши лозим. Амалиётда штат жадвалига ўзgartиришлар киритишнинг кўйидаги варианatlари мавжуд:

штат жадвали янги таҳрирда тўлалигича қабул қилиниши мумкин;

штат жадвалига фақат киритилган ўзgartиришлар қайд этилган илова расмийлаштирилади.



ВАЗИФАНИ БАЖАРУВЧИ ЭМАС, ВАҚТИНЧА ИШЛОВЧИ

? Бизда бўлим бошлиги лавозими бўшади. Раҳбар унга корхона ходимини тайинламоқчи, бироқ аввал вазифани бажарувчи қилиб олмоқчи. Билишимча, бундай қилиб бўлмайди, ходимни бўлим бошлиги лавозимига расмийлаштириш етарли. Фикрим тўғрими ёки нотўгрими?

Виктор З.

Хужжатларини қайта кўриш бўйича ишни ташкил қилиш тўғрисида» 210-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва унинг қонун хужжатларига зид келмайдиган қисмида кўлланилади).

Ходимни бўшаган лавозимга вазифани бажарувчи қилиб тайинлашга йўл қўйилмайди (кўрсатилган хужжат Ўзбекистон худудида Олий Кенгашнинг 1992 йил 4 январдаги «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этиш тўғрисидаги Битим ва Баённомани ратификация қилиш ҳақида» 481-XII-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апгурдаги «Собиқ ССР Иттифоекининг қонуности

хужжатларини қайта кўриш бўйича ишни ташкил қилиш тўғрисида» 210-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва унинг қонун хужжатларига зид келмайдиган қисмида кўлланилади). Иш берувчидан ходимни кўрсатилган лавозимга тайинлаш борасида шубҳа пайдо бўлган ҳолда у, МКнинг 93-моддасига асосан, ходим билан келишув бўйича уни вактинга бўлим бошлиги лавозимига ўтказиши мумкин. Муддат тугаганидан кейин эса уни аввалги ишга қайтариши ёки янги лавозимда, бироқ энди доимий шартларда қолдириши мумкин.

Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ, «Norma» МЧЖнинг катта экспер-юристи.

ВИЛОЯТ ҚАЙТА НОМЛАНГАН БЎЛСА

? Мен Россия олий ўқув юртига ўқишига кирмоқчиман. Шу муносабат билан менга вилоят қайта номланганлиги тўғрисидаги хужжат керак бўлиб қолди, чунки түғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамда «Бухоро вилоятининг Навоий шаҳри» деб паспортда эса «Навоий вилоятининг Навоий шаҳри» деб, ёзилган. Бу қандай хужжат, уни қаердан олиш мумкин ва у қанча туради?

Я.Воякович.

– Олий Кенгаш Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси таркибида Навоий вилоятини тиклаш тўғрисида»ги қарорига (1992 йил 27 январдаги 535-XII-сон) кўра илгари худудлари Бухоро ва Самарқанд вилоятларига қарашли бўлган Навоий вилояти тикланди.

Вилоят қайта номланганлиги тўғрисида хужжат (маълумотнома) олиш учун сиз Навоий шаҳри ҳокимлигига ёки Навоий вилояти ҳокимлигига мурожаат қилишингиз мумкин, чунки тегишли худудлар давлат кадастрининг

юритилишини маҳаллий давлат ҳокимиёти органлари ташкил этадилар (2000 йил 15 декабрдаги «Давлат кадастрлари тўғрисида» 171-II-сон Конуннинг 11-моддаси). Шунингдек сиз Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига мурожаат қилишингиз мумкин, чунки ушбу орган давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги маҳсус ваколати орган хисобланади (171-II-сон Конуннинг 10-моддаси).

Юқорида кўрсатилган органлар-

нинг бирига ёзма сўровномани шахсан олиб келиб ёки уни поча орқали буюртирма хат сифатида юборишингиз етарли. Унинг ижросини назорат қилиш учун шахсан мурожаат қилишингиз ва сўровномангиз рўйхатдан ўтказилиб, ижрога йўналтирилганлигини кузатиш яхшироқдир. Кейин эса тайинланган ижрочи билан алоқа боғлаш учун маълумотларни олиш ва ундан мазкур сўровнома қандай бажарилаётганлигини сўраб бориш тавсия қилинади.

Конун хужжатларида бундай маълумотномаларни беришнинг аник муддатлари белгиланмаган, бироқ, юқорида кўрсатилган мусассаларнинг ходимлари бизга маълум қилишларича, **маълумотномани кўпи билан 10 кундан сўнг олиш мумкин**. Бундай хизматнинг қиймати конун хужжатларида белгиланмаган, юқорида кўрсатилган органларнинг ходимлари эса бундай **маълумотномалар белуп берилади** деб айтишиди.

Агар сиз Ўзбекистондан ташқарида бўлсангиз, бундай маълумотномани Ўзбекистон элчихонасидан олиш мумкин. Ушбу хужжатни бериш хизматининг қиймати тўғрисида ахборотни элчихонадан олишингиз мумкин.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖнинг
эксперт-юристи.



ЗЎРИҚИШДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Курраи заминимизда ҳамма нарсага танқидий ва ўз-ўзига ўта талабчанлик назари билан қарайдиганлар кўп. Лекин ҳар бир муваффақиятдан кўнгилни масрур қилиб яшашга нима етсинг!

• «Зўриқишига қарши жамоа бўлиб курашиш» операцияси

Кўпинча ишни қилиб улгурмаслик ёки уddyалай олмаслик хавфи зўриқиши келтириб чиқаради. Кўпчилик иштирокида амалга ошириладиган ҳар хил янгиликлар эса одамни руҳий мувозанатдан чиқаради. Бундай ҳолларда ҳамкаслар, раҳбарлар билан маслаҳатлашиб иш тутган маъкул.

Тажрибани баҳам кўриш, фикр алмашиш ҳамиша фойда келтиради. Раҳбариятнинг маслаҳатлари муаммога мос ечим, ёндашув топишга ёрдамга беради. Устуворликлар, муддатлар, вазифалар аниқлаштириб олинади. Жамоа янада жипсласиб, бир тану бир жон қабилида ишлайди.

• Битмайдиган иш бор эканми!

Хизмат вазифаларини адо этишда кўпроқ ижобий якун топиши ҳақида ўйлаш керак. Натижা олдиндан чама қилинса, ҳамма нарса амалга ошиши ва ҳаммасининг уддасидан чиқиш мумкиндири.

• Ҳар қандай ҳолатда ҳам вактида овқатланиш лозим

Коринни алдаш тариқасида у-бу нарса кавшаб олиш эмас, ростмана овқатланиш лозим. Зотан инсон соғлигининг асоси яхши таомдир. Бу қоидага беписанд бўлмаслик керак. Чойхона, ошхона ёки қаҳвонага бориб, таъбингизга тўғри келадиган одамлар даврасида овқатланиш кўпгина ноxуш хаёллардан сизни халос этади.

• Вактида «йўқ» дейиши ҳам билиш керак

Бирон топширикни бажаришга киришидан аввал ўз куч ва имкониятларини холислик билан баҳоланг. Раҳбариятнинг ихлоси қайтасин десангиз, чоғингиз келмайдиган вазифани бажаришни зиммага олишга асло рози бўлманг. Бажариб бўлмайдиган ишни бажаришга унналиш энг аввало асабларнингизга зўр келади.

• Кулгу энг яхши дори

Ҳар хил муаммо ва вазиятлар туфайли кўпинча кўнглиминиз хира тортиб, дилимиз ғам-андуҳ пардасига чулғанади. Баъзан бу нарса вахима ва ҳатто даҳшат даражасига бориб етади. Кескинликдан ҳоли бўлиш учун вазиятнинг, ташвишларнинг устидан кулишга ҳаракат қилинг. Шунда юракни эзаётган юқдан кутуласиз ва ишга бажонидил киришсангиз бўлади.

«Ketajak ilmi» халқаро бизнес мактабининг
«Стресс-менежмент» маҳорат
мактаби материаллари асосида.
«Экономическое обозрение»нинг
2011 йил 9 (142)-сонидан.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
УЗР Айнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувохномаси

Ўзбекистоннинг бутун худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади
Бухгалтерия хисоботи ва баланс тузиш
САР ва СИРА сертификатлари эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади
Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 декабрдаги 10-1119/21148-сонли ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги "DONIYOR BIZNES PLYUS" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона на кредиторларининг 1-йигилиши 2011 йил 16 декабрь соат 11.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-й, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 19 декабрь куни соат 17.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 1-суд залида очик суд мажлисида кўрилади. Корхонанинг кредиторлари судда қатнашиш хукукига эга. Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 24 ноябрдаги 10-1109/20706-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "ORIGINAL BIZNES GARANT" МЧЖ ҳамда 10-1109/20705-сонли ажримига асосан "MIR-M MAGNAT" МЧЖ бўйича банкрот деб топишга доир ишларни 2011 йил 9 декабрь куни соат 11.30 ва 11.35 да кўрилиши тайинланган. Суд мажлиси Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-й (пошли индекси: 100135) жойлашган Чилонзор туман ДСИ биносининг 202-хонасида ўтказилади. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 9 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-йда жойлашган Чилонзор туман ДСИ биносининг 202-хонасида ўтказилади. Мазкур корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 51а-й манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ХУШЁРЛИК ДОИМО ЗАРУР

Республикамиз ҳукуматининг жорий йил 18 ноябрдаги «Ҳар йили ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги 309-сон қарорига мувофиқ, ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб мамлакатимизда Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – аҳоли турар-жойлари, ижтимоий-иктисодий обьектларда ёнгин туфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, юртдошларимизнинг бу борадаги масъулияти ва ҳушёрлигини янада оширишдан иборат.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида ҳам ойлик доирасида турар-жойлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг ёнгинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, табии газ

ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кузатувларимизнинг кўрсатишича, ёнгинларнинг аксарияти носоз, кўлбода газ ва электр мосламаларидан фойдала-

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
АУДИТОРИК ХИЗМАТЛАРИ Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.	БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.	ХИЗМАТЛАР «ADVANCED COMPUTER SERVIS». Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш. Тел. 726-52-33.	Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.
БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ «AAA» – бухгалтерия хисобини юритиш, тиклаш. Хисоботларни тайёрлаш ва топшириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. Тўлиқ бухгалтерия кузатуви. Тўлов – исталган шаклда. Тел. (+99890) 910-92-20.	ХИЗМАТЛАР Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.	Ташкилотлар учун компьютер ва маший техникани ҳисобдан чиқариш учун хужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.	БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак. Тел.: 109-26-11, 128-25-08.
Бухгалтерия хисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик. Тел.: (+99890) 319-62-37.			«ASTER» ХК – БЮДНИ расмийлаштириш, юкларни декларациялаш. Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11. *Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 6 декабрдаги қарорларига асосан

Олмазор туманидаги тугатилаётган корхоналар

РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Юридик манзили	Қарор рақами
"OLIM HAYOT" МЧЖ	204488570	О.Мажитов	Себзор, 10-14	10-1114/20089
"NILUFAR-YUSUFBEK-YUTUQ" ХК	301295154	У.Усмонов	3.Бобохонов-34	10-1114/20090
"YETTI CHASHMA BIZNES MARKASI" МЧЖ	300998618	И.Сафаров	Қиброй, Навоий-222	10-1114/20095
"FARANGIZ XOLIS" ХК	301278024	А.Бобохўжаев	Форобий-406	10-1114/20088
"BARAKA-TA'MIR" МЧЖ	206018496	Б.Алихўжаев	Қорақамиш 2/4, 58а-32	10-1114/20085
"LEVERAGE POINT" МЧЖ	207113251	М.Расулов	Шоҳжоҳон кўч., 4а-5	10-1114/20091
"MIKA BIZNES" ХК	301183792	М.Рахимова	Форобий, Муҳокама тор кўч., т-5, 36	10-1114/20092
"AVZAL-MET" ХК	301730816	А.Фаниев	Зарқайнар 19-берк кўч., 42	10-1114/20093
"БУВАЙДА" ХК	202064562	F.Мирзәёкубов	Бобохонов кўч., 14-7	10-1114/20086
"NARGIZA NILUFAR GOLD" ХК	301915537	Н.Тошмуҳамедова	Форобий т-4, 4	10-1114/20094
"GLOBAL CONSULTING PLUS" МЧЖ	301617947	И.Омонбоева	Бешкўрон кўч., 5	10-1114/20096
"CHELSE INTER PRESS" ХК	206971895	Д.Назиров	Турсунбоеv 3-тор кўч., 86	10-1114/20097
"ALEN AGRO BUSINESS" МЧЖ	301847914	С.Қосимов	Шоший кўч., т-4, 21	10-1114/20087

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр, бурчак тамғаси ҳамда бирламчи таъсис хужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гулохомалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиқкан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани ҳокимиюти маҳсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман маҳсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 ноябрдаги 10-1109/19750-сонли ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги "ZULFINIGOR FAYZ" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юзасидан кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 15 декабрь куни соат 12.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-й, 306-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 17 декабрь соат 17.00 да Шайхонтохур туман ДСИ биносида, 3-қаватдаги сайёр судда кўрилади. Ушбу корхонанинг кредиторлари судда қатнашиш хукукига эга. Тел. 241-30-86.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 декабрдаги 10-1119/21147-сонли ажримига асосан Учтепа туманидаги "Bursa Impex" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юзасидан кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2011 йил 15 декабрь куни соат 10.00 да ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб О.Пўлатова тайинланган. Ишни суд муҳокамасида 2011 йил 19 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилади. Ушбу корхона юзасидан эътиrozлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-й, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада қабул қилинади ва кузатувга оид ишлар давом этади. Тел.: 274-28-70, 275-95-10.



ниш, телевизор, дазмол каби электр жиҳозларини ёки газ плиталарини ёниқ ҳолда қолдириш, болаларнинг назоратсизлиги оқибатида содир бўлади.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда

ёнгин хавфсизлиги қоидалари батафсил тушунтирилмоқда. Айниқса, ёшларга ёнгин чиқанда қандай ҳаракат қилинади, газ ускуналари ва электр иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиш, ёнгинни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ва замонавий ўтичириш воситаларини қўллаш қоидалари ўргатилмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари курилиш обьектларида ўтказилаётган «Қурилиш учаси» рейд текширувлари давомида қурувчилар, газ-электр пайвандчилар билан сұхбатлар ўтказиб, тегишили йўриқномаларни тушунтириб бораётлар.

Атҳам КЕНЖАЕВ,
Шайхонтохур тумани ИИБ ЁҲБ
инспектори, сержант.

Иктиносий – ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИ

ТАҲСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИФ
ФАРХОД КУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаси назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб турши имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да ёълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиши, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтиши, тарқатишга факат "Norma" МЧЖ билан тушшланган шартнома асосида ўйл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1356 Алади 3850. Баҳоси келиншилтан нарҳда

Газета 2011 йил 12 декабрда соат 13.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223